

**Тошкент Молия институти Магистратура бўлими магистранти  
Худойқулов Фаррух Фарходовичнинг «Тижорат банклари  
активларининг даромадлилигини ошириш йўллари» мавзусидаги  
магистрлик диссертациясига**

**АННОТАЦИЯ**

**Мавзунинг долзарблиги.** Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсади барқарор ва мустаҳкам иқтисодиётни барпо этиш билан бирга, халқ хўжалигининг барча соҳаларини ривожлантиришдан иборатдир. Бунда, албатта, тижорат банклари томонидан бериладиган кредитларнинг аҳамияти каттадир. Кредитлар банк активларининг асосий қисмини ташкил қилиб, даромад келтирувчи муҳим манбасидир. Шундай шароитда банк активларидан янада самарали фойдаланиб, даромадларини ошириш ва уни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтириш даркор.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Ушбу магистрлик диссертация ишининг мақсади тижорат банки активлари даромадлилигининг ҳозирги ҳолатини ўрганиб чиқиб, уларнинг самарадорлигини такомиллаштириш бўйича тегишли хулоса ва таклифларни киритиш ҳисобланади.

**Қилинган ечим ва таклифлар.** Диссертациянинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

- Тижорат банкларининг активларини даромадлилигини бошқаришнинг методологик асосларига тадқиқ қилинди.
- Актив структураси ва сифатини таҳлил қилиш натижасида уларни бошқарилишини такомиллаштириш бўйича услубий йўналишлар таклиф этилди.
- Банк активларини даромадлилик даражаси бўйича таснифлаб, улар ичида даромад келтирувчи активлар ажратиб олиниб, атрофлича тадқиқ қилинди.
- Асосий даромад келтирувчи активларнинг даромадлилик даражасини ошириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилди.

**Илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертациядаги илмий хулосалар ва тавсиялар, тижорат банклари даромадларини ошириш йўллариини ўрганиш асосида уларнинг активларидан самарали фойдаланишга имконият яратади.

Тадқиқот натижаларидан банк активларининг даромадлилик даражасини оширишда ҳамда олий ўқув юртларида амалий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

**Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси:** Диссертация натижалари Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган тижорат банклари амалиётида кенг қўламда фойдаланиш мумкин.